БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 206 (4665).

18 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БАРЧА КУЧ ПАХТА ТЕРИМИГА!

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 1560 ТОННА ПАХТА

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНОБОД» колхозининг аъзолари ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар пландаги 3438 тонна ўрнига 4 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектарига 27 центнерданга тўғри келди. Колхозчилар 865 тонна уруғлик пахта тайёрладилар. Давлатга топширилган пахтанинг 2522 тоннаси машиналар билан териб олинди.

Йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Пўлат Тошхўжаев, Талас Газатов, Абдухайр Абдураҳмонов, Собир Ширинов, Усмон Абдураҳмонов, Ҳамзақул Мусақулов ва бошқа бригадаларнинг аъзолари алоҳида намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Шу кунгача 100—120 тоннадан ошириб пахта терган Ойхўжа Саидаҳмедов, Али Назимов, Тўрабек Йўлдошев каби кўпгина механик-ҳайдовчилар шу кунларда ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Ўруғлик пахта теришда С. Норбекова, У. Собирова, Х. Берднёрова сингари чевар теримчилар кўпчилик ҳурматига сазовор бўлдилар. Улар шу кунгача беш-олти тоннадан ошириб пахта тердилар.

Колхозда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари юзасидан белгиланган планлар ҳам ошириб бажарилди. Колхозчилар ва механизаторлар шу кунларда йиғим-терими қизғин давом эттириб, даладаги барча ҳосилни тез ва сифатли нобуд қилмай йиғиштириб олиш, пландан ташқари 1560 тонна пахта топшириш соҳасидаги социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш, гектаридан олинадиган ҳосилни 33 центнерданга, ялпи пахтани 5 минг тоннага етказиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бу уларнинг КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларига муносиб жавоблари бўлади.

ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИ

Улуғ айём — Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги яқинлашмоқда. Бу байрам биргина совет халқларининг буюк шодиёнаси бўлибгина қолмай, балки социалистик мамлакатлар, жаҳон меҳнаткашларининг, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган барча халқларнинг ҳам катта ва қувончли байрамидир. Чунки, Улуғ Октябрь капитализм қишанларини тилка-пора қилиб ташлади. Улуғ Октябрь жаҳон тарихида янги даврни — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берди. Улуғ Октябрь мазлум халқларга озодлик, бахт-саодат, янги ва ёрқин ҳаёт йўлини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам Октябрнинг ҳар бир йили шодн-ҳуррамлик ва зўр тантана билан байрам қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги муносабати билан чиқарган Чақириқлари мамлакатимиз, жаҳон меҳнаткашлари томонидан зўр қизиқиш, баланд руҳ билан чин қалбдан кутиб олинди. Бу Чақириқлар областимиз меҳнаткашларини ҳам янгидан-янги зафарларга, ижодий яратувчилик ишларига илҳомлантириб юборди. Бу Чақириқларда Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритилган оламшумул тарихий ғалабалар, буюк социалистик Ватанимиз халқларининг бузилмас қўпмиллатли ҳамдўстлиги, пролетар интернационализми, совет халқларининг коммунистик қурилиш йўлида эришаётган ғалабалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Улуғ Октябрнинг бу йилги байрами яна бир тарихий ва ҳаётда нишонланмоқда. Бутун мамлакатимиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўраётир. Ҳамма ерда — завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, қурилишлар ва улкан ишоотларда коммунистик меҳнат, миллионларнинг яратувчилик ва илҳомбахш ғайрат-ташаббуси кун сайин янгидан-янги зафарлар келтирмоқда. Ойлик, квартал ва йиллик планларнинг муваффақиятли бажарилаётганлиги ҳақида ғалаба рапортлари йўлланмоқда.

Улуғ санани муносиб совғалар билан кутиб олиш ҳар бир совет кишисининг фикр ва мақсади, истак ва орзусидир. Шунинг учун ҳам «ЯШАСИН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ БУЮК БИРЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ — ССР ИТТИФОҚИНИНГ ШОНЛИ 50 ЙИЛЛИГИ!» деган сўзлар каттадан-кичик ҳар бир совет кишисининг қалбида ва дилида баралла янграмоқда.

КПСС XXIV съезди қарорларидан илҳомланган областимиз саноат корхоналарининг меҳнаткашлари юбилей йилида социалистик мусобақани янада кучайтириб, улкан зафарлар қучмоқдалар. Тўққиз ойлик план деярлик барча соҳалар бўйича ортиғи билан бажарилди. Тошкент шаҳри ,Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон ва Бекободнинг кўпгина завод ва фабрикалари, қурилиш трестлари йиллик планларини бажариш арафасида турибдилар.

Бу йил қишлоқ хўжалиги учун оғир келди. Об-ҳаво қийинчиликлари ва табиат инжиқликларини мардонавор енгган деҳқонларимиз барча соҳаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга пилла, дон, каноп пояси, чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш планлари ошиғи билан бажарилди. Пахтакорларимиз она-Ватанга 400 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этиш иштиёқида кураш олиб бормоқдалар. Ҳозир ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши ва шаҳар аҳолисининг диққат-эътибори теримга қаратилган, бутун куч ва техника восталари пахтазорга сафарбар этилган. Пахта учун кураш — ҳаммамизнинг жонажон, шарафли ватанпарварлик бурчимиздир. Оққўрғон, Пискент, Бўка, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районларнинг илғор колхоз ва совхозлари йиллик планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари бердилар. Марра сари яқинлашиб келаётган хўжаликлар тобора қўпаймоқда. Шу кунгача областимиз бўйича 310 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди. «Зангори кема»ларнинг азамат капитанлари бункерлардан 210 минг тоннадан ортиқ олтин дурдона тўкдилар. Лекин марра ҳали олдинда. Пахта учун курашнинг қийин ва ҳал қилувчи кунлари келди. Ёғингарчилик, ҳавонинг совиб кетиши натижасида бирмунча қийинчиликлар юз берди. Кунига 4—5 процентдан ошириб пахта бераётган районларимиз кўрсаткичи 2, 1,5 процентга тушиб қолди. Суръат сусайиб кетди. Бу вазият ҳар бир пахтакор, партия, совет, хўжалик ходими ва деҳқонларга ёрдамга отланган шаҳарлик биродарларимиздан янада зўр ғайрат, ташаббус, юксак интизом ва уюшқоқлик кўрсатиб ишлашни талаб этади. Кузнинг ҳар бир қулай ва очиқ куни ғанимат. Ҳар қандай шароитда ҳам суръатин бўшаштирмаслигимиз, теримни тезлаштириш учун барча куч ва техникани тўла сафарбар этиб, қўшимча тадбирлар кўришимиз ва ниҳоят маррага тезроқ етиб келиш учун ғайрат камарини янада маҳкам боғлашимиз керак.

Коммунистик партиянинг ленинча ташқи сиёсати тантана қилаётганлигини бутун жаҳон аниқ ва равшан кўрмоқда. Ленинча миллий сиёсатнинг буюк ғалабаси туфайли мамлакатимиз халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги янада мустаҳкамланиб бормоқда. Партиямиз Марказий Комитети Октябрь Чақириқларида социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломларн йўллайди. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, мустаҳкам тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашга, социалистик идеалларнинг тантанаси учун янада фидокорона иш олиб боришга чорлайди. Америка империалистлари ва уларнинг малайларига қарши, капиталистик ва мустамлака асоратига қарши халқлар тинчлиги ва дўстлиги сиёсатини, империализмга, реакцияга ва урушга қарши курашаётган барча кучларни жипслаштириш сиёсатини янада кучайтиришга чақиради.

Мамлакатимиз эришаётган барча ғалабалар, халқимизнинг фаровон турмуши, коммунистик қурилиш йўлидаги улкан зафарларимиз буюк Ленин тузган улуғ Коммунистик партиямизнинг доно сиёсати туфайли рўёбга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам совет халқи улуғ айём арафасида жонажон Коммунистик партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ўзининг чексиз меҳр ва муҳаббатини, садоқати ва қалб ҳароратини оташин сўзлар билан йўллайди:

—ЯШАСИН КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА ИШЧИЛАР СИНФИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ, СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ИЛҲОМЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ —СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

— МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!



ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номли колхозда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширилаётир. Механик-ҳайдовчилар бу ишда ғайрат кўрсатишяпти. Суратда: пахтани машина билан териш пайти. Ўнгда илғор механизатор Т. Ниёзов.

А. Абалян фотоси.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ МАРРАГА ЕТДИ

СССРнинг олтин тўйини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари улкан зафар қучди. Давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан олдин муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига 3600 тонна пахта жўнатилди. Бу белгиланган пландагига нисбатан 300 тонна кўпдир.

Ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Колхоз аъзолари зўр ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. Тракторчилар, сувчилар, механик-ҳайдовчилар, теримчилар, шоферлар йил бўйи ғайрат кўрсатиб ишладилар. Ҳосилни йиғиштириб олишда техникадан моҳирлик билан фойдаланилди. Сентябрнинг дастлабки кунларида салкам 2 процентдан пахта топширилди. 37 машинанинг тўла қувват билан ишга туширилиши сабабли юқоридаги кўрсаткич ортда қолиб кетди. Кунига йиллик планнинг 3,75 процентига етадиган миқдорда пахта топширилаверди. Ўртача ҳар бир терим машинаси кунига тўрт тоннага етказиб пахта терди. Октябрь ойида эса суръатга қанот боғланди. Қисқа вақт ичида терим машиналари бункеридан 2650 тонна «оқ олтин» тўкилди.

Механик-ҳайдовчилар ўртасида мусобақани кенг қулоч ёйдиришда Кўкин Бекинов, Акром Узоқов каби механизаторларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар терим агрегатларининг иш унумдорлигини ошириб, ҳар бир машина билан 200 тоннага яқин пахта теришга муваффақ бўлдилар. Пахтани машиналарда териш икки сменада олиб борилди.

А. Мираҳмедов раҳбарлик қилаётган бригада пахтакорларининг иши ҳар йилгидек бу йил ҳам сахарали бўлди. Гектаридан ҳозиргинг ўзидаёқ 33 центнердан пахта топширилди.

Пахтани тез ва тоза теришда жуда кўп колхозчилар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. Пахтани қуритиш, ортиш, жўнатишда техникадан самарали фойдаланилди.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти ташкилотчилик ишларини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтардилар. Илғорларнинг тажрибаларини кенг оммалаштирдилар. Бригада ва участкаларда қилинаётган ишлар ҳар куни якунланиб борилди. Ғолиблар рағбатлантирилди. Энг яхши механик-ҳайдовчиларга кўчма вимпел бериш йўлга қўйилди.

План бажарилди. Ҳозир ҳар гектар ердан топширилган ҳосил 28 центнердан ошиб кетди. Лекин колхозчилар эришилган дастлабки ғалабалар билан кифояланиб қолишаётгани йўқ. Бутун куч ва ғайратларини даладаги ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиштириб олиш, ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта топширишга ҳаракат қиляптилар. Юбилей вахтасида туриб меҳнат қилаётган хўжалик аъзолари социалистик мажбуриятларини тезроқ бажариш ҳаракатидалар.

400.000 тонна учун

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ, МАШИНАДА ТЕРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	2,02	92,93	2,33	104,60
Пискент	1,64	92,10	1,46	93,49
Юқори Чирчиқ	1,62	88,61	0,80	98,61
Ўрта Чирчиқ	1,77	86,94	1,25	98,28
Бўка	2,00	83,33	2,43	85,09
Бекобод	2,06	81,88	2,22	81,69
Янгийўл	2,00	74,90	2,42	80,17
Область бўйича:	1,91	85,43	1,98	93,11

СИРДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Сирдарё областининг деҳқонлари партия XXIV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга пахта сотиш — халқ хўжалиги планини муддатидан аввал 17 октябрда бажардилар. Ватанга 416 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳамма пахта биринчи навларга қабул қилинди.

Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Оқолтин районлари планларини муддатидан аввал бажариб бўлиб, социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Механизаторлар планни бажаришга катта ҳисса қўшдилар. «Зангори кема»лар бункерларидан 320 минг тонна пахта тўкилди, ёки топширилган бутун пахтанинг 77 проценти машинада терилди.

Сирдарё областининг деҳқонлари юбилей йили мажбуриятларини қисқа муддатларда бажаришга — Ватанга 500 минг тонна пахта топширишга, кузги-қишки тадбирлар комплексини ўз вақтида бажаришга, янги қишлоқ хўжалик йилига ҳар томонлама тайёргарлик кўришга азми қарор берганлар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТАЖРИБАСИ—ИЛҲОМБАХШДИР

«СССРда социалистик ўзгартишлар тажрибаси ва унинг халқаро аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция 17 октябрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси Мирзо Турсунзода раислигида ўтган эрталабки ялпи мажлисда СССР Фанлар Академиясининг академиги Е. М. Жуков «Ҳозирги босқичда антиимпериалистик бирлик проблемалари» тўғрисида доклад қилди. Тарих тажрибаси, деди докладчи, ленинча миллий сиёсатнинг донолигини кўрсатди. Шу сиёсат натижасида Иттифоқнинг ҳамма қатнашчилари тўла ишончга асосланган социалистик миллатларнинг бузилмас иттифоқи— СССР ташкил этилди.

Кўпгина миллатлар ва элатларни социализм байроғи остида қудратли буюк иттифоққа жипслаштирган ленинча миллий сиёсат жуда катта халқаро аҳамиятга эга. Бу сиёсат социалистик тузумнинг афзаллигини кўрсатиб турибди, империализмга қарши кураш олиб бораётган халқларга илҳом бермоқда.

Тинчлик, демократия ва социализм прогрессив кучларининг империалистик реакция ва агрессияга қарши, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, эркин ва тенг ҳуқуқли халқларни жипслаштириш ҳамда уларнинг ҳамкорлиги учун олиб бораётган ҳозирги курашида СССРдаги миллий масалани ҳал этишнинг тарихий тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Антиимпериалистик миллий-озодлик революцияси — узоқ вақт тўхтовсиз давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, шу жараён давомида социал-синфий кучларнинг жойланишида катта ўзгаришлар содир бўлади ва янги-янги кескин проблемалар вужудга кела беради. Ўзига муносиб янги шиорлар ўртага ташланади. Миллий-озодлик ҳаракатининг, «учинчи дунё» мамлакатларининг раҳбар ташкилотлари, партиялари, раҳбарлари зиммасига жуда катта масъулият тушади, яъни улар бу ҳаракатнинг турли босқичларида амалда ўртага қўйиладиган вазифалар даражасида ҳамиша туришлари лозим бўлади.

Империализм «учинчи дунё» мамлакатларини занфлаштирмоқ учун миллий мустақилликка эришган мамлакатларни парчалаб юборадиган турли зиддиятларни, территориал можароларни келтириб чиқармоқда. Империалистик доиралар бундай можароларнинг кескинлашувидан манфаатдордирлар, чунки можароларнинг кескинлашуви озод бўлган мамлакатларнинг умумий антиимпериалистик сиёсат ўтказишига тўсқинлик қилади.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги жаҳоншумул антиимпериалистик курашнинг етакчи кучидир. Бу давлатларни идора қилаётган коммунистик ва ишчи партиялар социалистик интернационализм, барча иркдар, миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципларини рўёбга чиқариш учун энг матонатли, изчил ва эътиқодли курашчиларидир, миллий ва социал зулмни тугатиш йўлидаги курашнинг ташкилотчиларидир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари улуғ Ленининг революцион ишчилар синфи билан ўз озодлиги учун курашаётган халқларнинг иттифоқи тўғрисидаги васиятини муттасил бажармоқдалар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда бўлиб ўтган Москва кенгаши империализмга қарши курашда социалистик мамлакатлар халқлари, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракати барча отрядларининг жанговар бирдамлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги талабни биринчи ўринга қўйди.

Коммунистлар билан миллий демократларнинг ҳамкорлиги империалистик эксплуатация ва халқларни эзиш таянчларини емириб ташлайдиган пкки қудратли революцион оқимни бирлаштиришни таъминлайди.

(Давоми 3-бетда).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — ўрилган майдон, иккинчи стун — бажарилиш проценти, учинчи стун — давлатга топширилгани (тонна ҳисобида), тўртинчи стун — бажарилиш проценти.

Юқори Чирчиқ	243	51,6	402	31,8
Бўка	313	62,9	440	29,1
Янгийўл	369	54,5	300	27,0
Бекобод	1321	39,5	1886	26,9
Ўрта Чирчиқ	1057	55,7	793	20,0
Оққўрғон	1157	51,2	620	14,2
Оржоникидзе	70	37,8	36	10,6
Пискент	113	41,9	42	6,5
Оҳангарон	35	22,6	3	0,7
Калинин	51	26,3	—	—
Область бўйича:	4929	48,0	4454	21,2

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШ БУЙИЧА ШУ ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Оққўрғон	95,4
Бўстонлиқ	92,6
Калинин	89,3
Пискент	89,3
Янгийўл	87,9
Бўка	86,3
Оржоникидзе	80,7
Оҳангарон	80,6
Ўрта Чирчиқ	70,2
Юқори Чирчиқ	70,2
Бекобод	68,8
Область бўйича:	83,1

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

МОСКВА ШАҲРИ № 212 1972 йил 13 октябрь

Белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни 1972 йилнинг ноябрь-декабрида СССР қуролли кучлари сафидан бўшатиш ва гражданларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги» СССР қонунига биноан **буюраман:**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1972 йилнинг 31 декабригача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1972 йилнинг ноябрь-декабрида Совет армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлари сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи моддасига биноан ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек, чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлари сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва ҳарбий кемаларда эълон қилинсин.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ

А. ГРЕЧКО.

СОВЕТ - МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

16 октябрда Кремлда ўртоқ А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний ва Миср Араб Республикасининг расмий визит билан Совет Иттифоқига келган бош министри Азиз Сидқий ўртасида музокаралар бошланди.

Дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида Совет-Миср муносабатларига, шунингдек, Яқин Шарқдаги аҳволга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Музокаралар давом эттирилади. (ТАСС).

СССР 50

БИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗ

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси СССРнинг Осиё қисмида жойлашган. Унда 12,5 миллион киши яшайди. Узбеклардан ташқари, бу ерда юздан ортиқ миллат ва элат яшаб турибди.

Бошқа ўн тўрт тенг ҳуқуқли Совет Республикалари билан биргаликда ихтиёрий равишда ССР Иттифоқига бирлашган Узбекистон ССР суверен иттифоқчи республикадир. У ўз Конституциясига, Герби, Байроғи ва гимнига эга.

Республика давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий Совет ва унинг депутатлар орасидан Олий Совет томонидан сайланадиган Президиумидир. Давлат ҳокимиятининг ижрочи ва кўрсатма берувчи олий органи республика Министрлар Совети (ҳукумати)дир.

Узбекистон ССР составига Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси киради.

СССРда СОЦИАЛИСТИК ЎЗГАРТИШЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТИ МАВЗУИДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ—КОНФЕРЕНЦИЯСИГА БАҒИШЛАНАДИ.

СУРАТДА: янгидан бунёд этилган Тошкентнинг гўзал Ленин проспекти манзараси.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КЎЧАСИДА БАЙРАМ

КАРВОН ОДИМИ ВА СУНЪИЙ ИУЛДОШ ПАРВОЗИ

УЗБЕКИСТОН Ер юзида инсон яшаган энг қадимги маконлардан биридир. У минг йиллаб тарихга эга. Ўрта аср меъморчилигининг гоят нодир ёдгорликлари билан маълум ва машҳур бўлган ўзбек шаҳри Самарқандни эса Римнинг тенгдоши деб аташади.

Агар тарихимизнинг жуда кўп юз йилликлар давом этган одимини сувсиз саҳрода шошмай бораётган карвоннинг оғир қадам олиши билан таққослайдиган бўлсак, Узбекистоннинг кейинги ярим асрлик даврини космик ракетанинг шиддатли парвозига ўхшатгим келади.

Октябрь революцияси галабасидан сўнг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганидан кейинги йиллар Узбекистон учун жўшқин сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йиллари бўлди.

Чор Россиясининг бу қолоқ чеккасида аввал кам тараққий этган косибчилик-кустар саноати, қишлоқда эса феодал-патриархал муносабатлар ҳукм сурган эди. Ана шу ўлка эндиликда капитализм тараққиёти босқичини четлаб ўтиб, қудратли индустриал-аграр социалистик республикага айланди.

Буни тасдиқловчи маълумотлар шунчалик кўпки, улар орасидан фақат энг ибратлиларинигина танлаб олишга тўғри келади.

1917 йилгача ҳар бир юз нафар ўзбекнинг 98 нафари саводсиз эди. Революция бундай саводсизликни тар-томири билан битирди. Бизнинг кунларимизда 3,5 миллион киши ёки Узбекистон аҳолисининг учдан бири мактабда ўқийди. Биринчи олий ўқув юртимиз — Ўрта Осиё университети Ленин имзо чеккан Декретга биноан 1920 йилда ташкил бўлган эди. Ҳозир эса бизда 39 та олий ва 168 та ўрта махсус билим юрти ишлаб турипти. Узбекистон ССР Фанлар Академиясининг институтларида ядро физикаси ва кибернетика, биология, сейсмология ва геология масалалари ечилмоқда. Республикада 568 фан доктори, 8 мингга яқин фан кандидати бор...

Совет Узбекистони индустрияси — бу 1300 замонавий корхона, демакдир. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот СССР эҳтиёжларини қондиради, жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинади. Республикада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1924 йилга нисбатан 118 баравар ўсди...

Қачонлардир революциядан аввалги йилларда Узбекистонда ер ости бойликлари жуда кам, деган фараз бор эди. Совет Иттифоқи ташкил топганидан сўнг биринчи йиллардаёқ совет олимлари ўтказган тадқиқотлар буни рад этди. Республика ер остида газ, нефть, кўмир, рангли металларнинг жуда катта запаслари бор. Масалан, қадимги Бухоро ёнидаги Газли эндиликда мамлакатда энг йирик газ конларидан бирига айланди. Бу ердан СССРнинг Европа қисмидаги районларига жаҳонда энг узун газ қувури ўтказилди...

Республиканинг қишлоқ хўжалиги қиёфасини юксак ривожланган, механизациялашган коллектив ва давлат хўжаликлари ташкил қилади. Энг илғор агротехника усулларини қўллайдиган шу колхоз ва совхозлар ихтиёрида 15 от кучига ҳисоблаганда 227 минг трактор, 29 минг пахта териш агрегати ҳамда қарийб ярим миллион бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари бор.

Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бери деҳқон ҳар бир томчи сувни қадрлайди. Чунки, сув бу ўлкадаги қатиқ қўрғоқчилик шароитида ерга ҳаёт бахш этади. Агар шуни ҳисобга олсак, ҳозирги вақтда республикада суғориш ва мелиорация тармоғининг узунлиги 150 минг километр эканлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Узбекистон суғориладиган ерлар майдони бўйича жаҳонда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қурғоқчилик ҳукм сурган каттакатта майдонларга ҳаёт бахш этилиши совет давридаги тарихимизнинг энг улкан ўзгаришларидан биридир.

МИРЗАЧЎЛ НЕЪМАТЛАРИ

ЎТМИШДА нотўғри учбурчак шаклидаги бу жойни, шарқдан Сирдарё, жанубдан Туркистон тоғлари билан, ғарби-шимолдан Қизилқум билан чегараланган ана шу кенг текисликни Мирзачўл деб аташган саёҳатчилар. Чунки, бу ерда сув йўқ эди. Биздаги халқ мақолига кўра, сув бўлмаган жойда ер ҳам бўлмайди.

Кўп асрлар мобайнида кишилар саҳрога жон киргизишга уринганлар. Достонларимизда ҳам бу вазифанинг мислсиз қийинлиги қайд қилинган: афсонавий қаҳрамон Фарҳод Мирзачўлни сувга қондиролмай ҳалок бўлади.

Совет ҳукумати революциядан сўнгги дастлабки ойлардаёқ Ўрта Осиёда суғориш ишларини олиб бориш учун 50 миллион сўм ажратди. Бу ҳақдаги машҳур Декретга В. И. Ленин имзо чекди. 1920 йилда Совет Россиясидан Сирдарё қирғоқларига гидромелиоратор мутахассисларнинг биринчи эшелони келган эди.

Ўша пайтдан бошлаб то бизнинг кунларимизгача сувсиз саҳроларга сув чиқариш умумдавлат аҳамиятга эга бўлган тадбир бўлиб қолди. Бизнинг кунларимизда Мирзачўл канал ва коллекторларнинг кенг оқимлари билан кесиб ўтган, яхши планлаштирилган текис майдонлардан иборат бўлиб, унда боғ ва кўчатларга бурканган посёлкалар қад кўтарган. Тўқкизинчи беш йиллик (1971—1975 йиллар) ирригация программасининг реализация қилиниши Мирзачўлни гуллаб-яшнаган воҳага айлантиради.

Совет ҳокимияти йилларида Узбекистонда жами 1,5 миллион гектарга яқин майдонга сув чиқарилиб ўзлаштирилди. Агар республиканинг бутун экин майдони 3,6 миллион гектар эканлиги ҳисобга олинса, ўзлаштирилган майдонлар сатҳи нақадар катталиги ёрқин намоён бўлади.

Узбекистон эндиликда Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Республика йилига 4,5 миллион тонна пахта етиштиради. Бу умумиттифоқ бўйича ишлаб чиқарилаётган пахтанинг қарийб 64 процентини ташкил қилади. Узбекистон ССР Давлат гербида ғўзанинг сурати туширилганлиги тасодиф эмас.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ТОШКЕНТ — СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИНГ ТИМСОЛИ

...1966 ИИЛ 26 апрель эрталаб соат 5 дан 23 минут ўтганда саккиз баллик зилзила Узбекистон пойтахти Тошкент заминини титратди. Узоқ ойлар мобайнида ҳам тинмаган бу табиий офат туфайли 78 минг оила бош-панасиз қолди, кўплаб мактаб ва касалхоналар, саноат корхоналари ва магазинлар, жамоат ва маъмурий бинолар вайрон бўлди, кўпгина шаҳар кварталлари ва бутун-бутун кўчалар бузилди.

Ана шу фожиали кунларда биз Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги нимадан иборат эканлигини янги куч ва ишонч билан ҳис қилдик, Узбек Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқининг ажралмас бир қисми эканлигимизни тўла ҳис қилдик.

Фалокат рўй берган шу 26 апрель куни Тошкентга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Брежнев ва СССР Министрлар Совети Раиси Алексей Косигин келишди. Зилзила оқибатларини мумкин қадар тезроқ тугатиш мақсадида тузилган Ҳукумат комиссияси дарҳол иш бошлади.

Мамлакатнинг ҳамма томонларидан Тошкентга совет кишиларидан телеграммалар, пул переводлари, хатлар келиб турди. Уларнинг муаллифлари Узбекистон пойтахти аҳолисига ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Ҳамма республикалар бизга машиналар, йиғма уйлар, материаллар юборибтурди. Қурувчиларнинг кўпминг кишилик отряди, жами 25 минг киши Янги Тошкентни бунёд этишга киришди. Квартал кетидан квартал — Москва, Киев, Ленинград, Белоруссия... кварталлари қад кўтара борди.

1967 йилда Тошкентга келган франциялик меҳмон жаноб Лабрус бундай деб айтган эди: «Кишиларга уй-жой қуришда ёрдамлашиш учун мамлакатнинг энг узоқ бурчакларидан ўз ихтиёрлари билан, ўз материаллари билан қурувчилар келишганини мен ҳеч қачон эшитмаган ва кўрмаганман».

Биз, совет кишилари учун чет эллик меҳмонларни ҳайратга солган нарсалар оддий воқеадир. 1966 йилдан кейин Тошкентнинг қайта тикланиши СССРнинг барча халқлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ўз келажагини бунёд этаётган Совет Узбекистони тарихи очерки учун ўзига хос бошланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

НЕГА ЎЗБЕКЛАР РУС ТИЛИНИ БИЛИШАДИ?

ЮҚОРИДАГИ каби фактлар далолат бериб турган тараққиёт ўзбеклар Совет Иттифоқининг барча халқлари билан ягона онлада яшаётганликлари туфайлидир. Советлар мамлакатида миллатлараро алоқанинг воситаси эса рус тилидир.

Рус тили — ёш социалистик давлатнинг даҳлабки қонун актларининг тилидир. Бу қонунлар Совет Шарқи меҳнаткашларига эркин ва мустақил ҳаёт қуриш ҳуқуқини, пахтакорга ер ва сув берди, ўзбек хотин-қизини озодликка чиқарди.

Ўлкамиздаги халқ оммасига Ленин ҳақиқатини, озодлик, тенглик ва совет демократияси ғояларини олиб келган рус революционерлари худди ана шу тилда сўзлашардилар.

Ўзбек деҳқонлари ва ишчиларининг фарзандлари учун Ўрта Осиёда биринчи дорилфунунни ташкил қилишга рус шаҳарларидан келган олимлар, ер тузувчилар ва гидромелиораторлар, врачлар ва ўқитувчилар ана шу тилда сўзлашардилар.

Бизнинг тупроғимизда ўзбеклар билан биргаликда машинасозлик заводлари ва тўқимачилик комбинатлари қурган, сувсиз саҳроларда каналлар ва темирйўллар ўтказган, республикадаги газ ва нефть конларини ўзлаштирган инженерлар ва ишчилар ана шу тилда сўзлашардилар. Ана шунинг учун ҳам ўзбеклар рус тилини билишади ва уни ўзларининг иккинчи она тили деб ҳисоблашади.

Бизнинг мамлакатимиз — халқларнинг кўп миллатли оиласи. Биз ҳамиша, шодликда ҳам, кулфатда ҳам биргамиз. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчилари украин, молдаван, рус, белорус шаҳар ва қишлоқларини ўз қадрдон ерларидек билиб ҳимоя қилдилар. Ўзбек аёллари эса уруш етим қилган, Иттифоқнинг Европа районларидан келган минглаб болаларни ўз оилаларига қабул қилдилар.

1966 йилда Тошкент бошига тушган офатни ҳам бизнинг бутун улкан мамлакатимиз, бизнинг ягона Ватанимиз — СССР биргаликда тугатишга киришди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганидан буён ўтган ярим аср мобайнида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи шаклланди ва биз, ўзбеклар, ўзимизни ана шу бирлик — тенг ҳуқуқли халқлар буюк оиласининг бир аъзоси, деб биламиз ва бу билан фахрланамиз.

Бу йилги энг тантанали байрам Иттифоқимизнинг ярим асрлик юбилейидир. Бутун мамлакатда бўлгани каби ўзбек шаҳар ва қишлоқлари ҳам байрам либосига бурканади. Умумиттифоқ тантанаси кунини янгидан қад кўтарган Тошкент алоҳида қувонч билан кутиб олади. Ўзбек пойтахтидаги энг гўзал проспектлардан бири Халқлар дўстлиги проспекти деб аталиши бежиз эмас.

(АПН).

100 ТАРМОҚ

Революциядан аввал Узбекистонда машинасозлик заводи йўқ эди, ҳатто миҳ бошқа районлардан келтириларди. Ҳозирда Узбекистон заводларининг конвейерларидан пахта териш комбайнлари, трактор ва экскаваторлар, самолётлар чиқмоқда.

Тарихан қисқа муддат ичида юздан ортиқ тармоғи, 1300 га яқин йирик корхонаси бўлган замонавий саноат бунёд этилди.

Республика умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ғўзани парвариш қилиш ва пахтани йиғиб-териб олиш учун мўлжалланган машиналарни ишлаб чиқарувчи ягона республикадир.

СССРда ишлаб чиқарилаётган ҳар бешта йиғирувчи машинадан биттаси, ҳар 10 трактор культиваторидан биттасини Узбекистон заводлари чиқаради.

81 МИНУТ ВА 1 ЙИЛ

1975 йилда план топшириғи бўйича республикада 32 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқилиши керак. Ҳозирда бу кўрсаткич 21,4 миллиардни ташкил қилади.

Шуниси қизиқки, 1971 йилда 81 минут давомида революциядан аввалги Узбекистонда бир йил давомида ишлаб чиқарилган электр қувватига тенг қувват ишлаб чиқарилмоқда.

Ўрта Осиё бирлашган энергия системасининг тузилиши энергетика бунёдкорларининг катта ютуғи бўлди. Бу система Узбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон жанубини қамраб олган.

10 ЙИЛЛИК МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ

1906 йилда «Вестник воспитания» журнали Ўрта Осиёда мактаб қурилиши суръатлари тўғрисида ҳикоя қилар экан, қуйидагиларни ёзган эди: «Агар таълимнинг мавжуд системасини ўзгартирмасак, мамлакатнинг бу қисмида саводсизликни яна... 4600 йилдан сўнг тугатиш мумкин бўлади».

Совет ҳукумати мана шу вазифани атиги бир неча йилда бажаришга муваффақ бўлди. Ҳозирги беш йилликда Узбекистонда, бутун Совет мамлакатида бўлгани каби, умумий мажбурий ўрта, яъни ўн йиллик таълимга ўтиш тугалланади.

(АПН)

ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Бу — республика қишлоқ хўжалиги тараққиётининг энг муҳим резервидир.

Мирзачўл ўзлаштирилганлиги кейинги йиллардаги энг йирик ютуқ бўлди. Тўқкизинчи беш йиллик йилларида мамлакатнинг бўлажак янги пахтачилик базаси — Қарши чўли ўзлаштирила бошланади.

Шу тобгача Қашқадарёнинг (бу дарё ана шу жойларда ягона сув манбаидир) кам сувлилиги, жуда катта чўл майдонларини оборотга киритиш ишини қийинлаштириб келарди. Қудратли ва серсув Амударё сувлари эса Қарши чўлининг қурғоқ ерларига етиб келолмасди, чунки, сувни 130—200 метр баландликка кўтариш лозим эди.

Сўнгги пайтларгача мана шу лойиҳани техника жиҳатидан амалга ошириб бўлмасди. Ишлаб чиқариш кучларининг ўсганлиги, саноат ва энергетиканинг жадал суръатлар билан тараққий қилганлиги юқоридаги улкан вазифани амалга ошириш имконини берди.

Тўқкизинчи беш йиллик йилларида Қарши чўлининг нақ марказига олиб ўтказилган Амударё суви 85 минг гектар, 1980 йилга бориб 300 минг гектар майдонни суғорадиган бўлади.

Келажакда Қарши бўз ерларидан йилига 1,3 миллион тоннагача «оқ олтин» етиштириш учун имкон яратилади.

ЎЗБЕКИСТОН пойтахти Тошкент олий ўқув юртлари шаҳри ҳамдир. Бу ерда неча ўнлаб миллатларнинг вакиллари таҳсил кўрадилар.

Суратда: В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети геология факультетининг студенти Нина Малахова ва тарих факультетининг студенти Одил Абдуқаҳоровлар.

В. Сироткин фотоси.

РЕСПУБЛИКА РЕСУРСЛАРИ

Совет ҳокимияти йилларида ўтказилган геологик тадқиқотлар Узбекистоннинг жуда бой табиий ресурсларини очиб берди.

Ўлканинг ер ости хазинасида жуда катта газ, рангли ва нодир металлар запаслари бор, кўмир ва нефть қазиб чиқарилади. Республикада химиявий хомашё ва қурилиш материалларининг мислсиз ресурслари мавжуд.

БЕШТА ГАЗ ҚУВУРИ

1971 йилда Узбекистонда 33,6 миллиард кубометр табиий газ олинган эди. Республика территориясида бешта қудратли газ қувури бошланади. Жумладан, Бухоро—Урал, Ўрта Осиё—Марказ магистраллари дунёда энг узун газ магистраллари саналади.

ПАХТА, ИПАК, ҚОРАКЎЛ...

Узбекистон—СССРнинг асосий пахта базаси. Пахта республикада муҳим экиндир.

Аммо, бу ерда фақат пахтагина жуда кўплаб миқдорда тайёрланмайди: умумиттифоқ давлат харид системасида деҳқончилик ва чорвачиликнинг асосий маҳсулотлари бўйича республика Иттифоқда тайёрланадиган ипакнинг 54,8 процентини, қоракўлнинг 38,5 процентини, полиз экинларининг 23,3 процентини, шолининг 14,7 процетини ишлаб чиқаради.



СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ТАЖРИБАСИ—ИЛҲОМБАХШДИР

(Боши 1-бетда).

Ривожланган саноатга ва ишчилар синфининг тегишли кадрларига эга бўлган илғор мамлакатлардагина эмас, шу билан бирга нисбатан орқада қолган мамлакатларда ҳам ҳозирги замон шароитида социализмнинг ғалаба қозониши мумкинлигини совет Шарқидаги халқларнинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Бошқа мамлакатлардаги ғолиб ишчилар синфининг мададига таянишга қобил бўлган илғор ижтимоий кучлар мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакатда социализмни рўёбга чиқариш мумкин, бошқа мамлакатларнинг ғолиб ишчилар синфи эса, қолоқликни тугатишда ҳам, кенг халқ оммасининг ижодий ғайратини уйғотишда ҳам пролетар интернационализми принципига биноан зарур ёрдамни беради.

«Социализм мамлакатлари билан миллий-озодлик ҳаракатининг бирлиги ва бирдамлиги» деган мавзуда доклад қилиш учун Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари **Юсуф Ас-Сибойғи** сўз берилади.

Таниқли араб жамоат арбоби совет халқини яқинлашиб келаётган катта байрам — СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги билан қизғин табриклади. Совет Иттифоқининг барпо этилганлиги, унинг янги турмуш қуришдаги мислсиз муваффақиятлари Африка—Осиё мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатининг ривожига ғоят зўр таъсир ўтказди, деб таъкидлади у. Тарихда мисли кўрилмаган бу намуна миллион-миллион кишиларнинг капитализм кишанларидан, инсонни — инсон эксплуатация қилишидан озод бўла олишлари, империализм, капитализм ва феодализм томонидан социал тараққиёт йўлига қўйилган ғовларни бартараф эта олганликларини кўрсатди. Илгари қолоқ бўлган халқлар бу намунага эргашиб, ўзларининг қадимий маданиятини қайта тиклабгина қолмай, шу билан бирга янги турмуш қуришга киришдилар, келажакка комил ишонч билан қарай бошладилар.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. СССРнинг тажрибаси Осиё ва Африка мамлакатлари учун бебаҳо аҳамиятга эга. Бу давлатларнинг қалин дўсти бўлган Совет Иттифоқи ўз муваффақиятини улар билан бемалол баҳам кўрмоқда, реакция кучларига қарши туришда уларга ёрдам бермоқда. Халқларимиз ўртасидаги снёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тўхтовсиз мустаҳкамланмоқда.

СССРнинг ва Социалистик лагердаги бошқа мамлакатларнинг муваффақиятлари кўпгина халқлар учун ажойиб намуна бўлиб хизмат қилмоқда, тобора кўпроқ мамлакатларнинг нокапиталистик ривожланиш йўлига ўтишига кўмаклашмоқда.

Социалистик ҳамдўстликнинг мавжудлиги, халқаро ишчилар синфи билан прогрессив инсоният халқаро реакция кучларига қарши курашаётганлиги, «учинчи дунё» мамлакатларининг вужудга келганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги босқичда антиимпериалистик курашнинг асосий кучларидир.

Жаҳон революцион тараққиёти кучлари, кенг кўламда ривожланиб бораётган Африка-Осиё бирдамлиги ҳаракати жаҳон империализмнинг, айниқса Америка империализмининг зўравонлигига, шунингдек эски ва янги мустамлакачиликка қаршилик кўрсатмоқда.

Социализм ва миллий-озодлик ҳаракати кучларининг мустаҳкамланиб бораётган бирлиги ва бирдамлиги — Осиё ва Африкадаги ривожланиб бораётган мамлакатлар социал, иқтисодий ва маданий тараққиётининг гаровидир.

Бразилия Компартиясининг бош секретари Карлос Луис Престес Бразилиядаги ички аҳволга тўхталиб ўтди. Америка империализми қўллаб-қувватлаётган реакцион режим анча-кина бўлсада норозилик билдирган кишиларни қамоққа ташламоқда, илғор арбоблардан шафқатсизларча ўч олмоқда.

Ана шу оғир курашда Бразилия Коммунистик партияси мамлакатнинг революцион кучларига бошчилик қилмоқда. Бразилия Коммунистик партияси ишчилар синфини, барча илғор кучларни диктатурага қарши, социал адолат учун курашга сафарбар этмоқда. Бу курашда содиқ дўстимиз — Советлар мамлакатининг тажрибаси Бразилия коммунистларига, барча меҳнаткашларига илҳом бахш этмоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг Мухтор министри, элчихона маслаҳатчиси Ву Тоан сўз олганида конференция қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар. СССР халқларининг дўстлиги, Совет Иттифоқининг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари миллион-миллион кишиларни иқтисодий ва маданий тараққиёт учун курашга жипслаштирди. Улуғ Ленин ғояларини амалга оширган туфайли эришилган бу муваффақиятлар бутун дунё халқларини руҳлантириб келди ва руҳлантирмоқда. Бу ғояларнинг нури вьетнам халқининг ҳам социализмга бориш йўлини ёритиб турибди, капиталистик ривожланиш йўлини четлаб ўтиб, социализмга чиқиш йўлида муваффақиятларга эришишда бизга ёрдам бермоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашлари, шафқатсиз ва вайронгарчилик келтирувчи урушнинг машаққатли шароитларида Америка агрессорлари ҳужумига қаршилик кўрсатиш учун экономиканн қайта қуриб, ҳарбий изга туширишга муваффақ бўлдилар.

Ву Тоан курашаётган Вьетнамга қардошларча ёрдам бераётганлиги учун, у билан бирдамлик қилаётганлиги учун Совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ўз ватандошлари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилади. У коммунистик қурилишда совет кишиларига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Танаффусдан кейин мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице президенти И. М. Мўминов раислик қилди.

«Осиё ва Африкадаги нокапиталистик ривожланишнинг ҳозирги босқичи» тўғрисида СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси **В. Г. Солодовников** доклад қилди.

Ленининг нокапиталистик йўлдан ривожланиб, социализмга чиқиш назарияси, деди докладчи, ижодий марксизмнинг Осиё ва Африкадаги халқ оммаси учун жуда буюк қашфиёт бўлди. Ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам В. И. Ленин: Ер юзидаги қўпчилик мамлакатлар ва кўпчилик аҳоли шу вақтга қадар ҳатто капитализмдан аввалги босқичда ёки ривожланишнинг капиталистик босқичининг бошлангич давридагина турибди, деб ёзганди. Ҳозир ҳам инсониятнинг анчагина қисми феодал муносабатлар ва феодализмдан аввалги муносабатлар шароитида яшаб турибди, Латин Америкаси қитъасида капиталистик ривожланиш эса капитализмдан аввалги муносабатларнинг жуда турли-туман шакллари билан маҳкамланиб кетмоқда.

Марксизм-ленинизм фани миллий-озодлик ҳаракатининг революцион кучларини Ленининг нокапиталистик ривожланиш назарияси билан қуроллантиради. Ҳозирги вақтда Осиё ва Африкадаги бир қанча мамлакатларнинг капитализмни четлаб, яъни капиталистик йўлдан бормай туриб, социализм сари ривожланиши учун қулай тарихий шароитлар вужудга келди.

Тарихий тажриба ва ҳозирги воқеликни анализ қилиш натижасида биз шунга ишонч ҳосил қиламизки, аввал бошда миллий-озодлик мақсадини ўз олдига қўйган миллий-озодлик революциялари ўсиб, янги мустамлакачиликка ва ички реакцияга қарши эксплуататорлик тузумининг ялдизларига қарши қаратилган социал революцияга айланиб бораётганлиги Осиё ва Африкадаги ҳозирги вазиятнинг ҳарактерли белгисидир.

Миллий-демократик революцияда умумдемократик, антиимпериалистик ҳаракат вазифалари билан социал тараққиёт учун кураш вазифалари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетмоқда. Миллий-демократик революция ривожланиши жараёнида капитализмга қарши ва социалистик тенденция муттасил кучайиб бормоқда, бу революция, пировард натижада, капитализмдан аввалги муносабатлардан нокапиталистик ривожланиш даври орқали социализмга ўтишни таъминлаши лозим. Озодликка чиққан мамлакатларнинг халқ оммаси бу мамлакатларнинг қолоқлигини ва жаҳон майдонидаги қарамлик мавқеини мустаҳкамлаб қолишга уринаётган капиталистик системадан қутулиш лозимлигини ўз тажрибасида кўриб, тушуна бошлади.

Ленининг нокапиталистик ривожланиш назарияси эндиликда овод бўлган мамлакатлардаги миллион-миллион кишиларнинг жонли иши бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатларнинг халқлари капитализмни социал-иқтисодий негиз сифатида рад этиб, ўзларининг кучғайратларини социалистик жамият қуришга қаратмоқдалар.

Барча антиимпериалистик, тараққийпарвар кучларни бирлаштириш йўли билангина социалистик йўлдан боришнинг муваффақиятини ва миллий-демократик революциянинг ўсиб, социалистик революцияга айланишини таъминлаш мумкин.

Нокапиталистик ривожланиш йўлидаги муваффақиятлар социалистик ривожланиш йўлига ўтаётган мамлакатларнинг жаҳон социализм системаси давлатлари билан кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш орқали мустаҳкамланган тақдирдагина бу муваффақиятлар тобора кўпая беради.

Нокапиталистик йўлдан ривожланиш учун кураш —ички реакция ва янги мустамлакачилик кучларига қарши кескин синфий кураш олиб бориш демакдир. Осиё ва Африка мамлакатларидаги социалистик йўлдан ривожланиш ҳаракати турмушнинг ҳамма соҳаларида — иқтисодий социал, снёсий ва мафкуравий соҳалардаги шиддатли кураш жараёнида ғалаба қозонмоқда.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда, дейди Ҳиндистон парламентининг аъзоси, профессор Бир Баҳодир Сингх. Бу эса мамлакатдаги снёсий ва иқтисодий тараққиётга анча ёрдам бермоқда. Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги узоқ муддатли савдо битимлари молларни кўплаб сотиб олишни қўлга тутади, Ҳиндистон саноатини кенг кўламда ривожлантириш учун катта имконият яратиб беради. Совет Иттифоқининг ёрдами билан катта-катта индустриал ва қишлоқ хўжалик комплекслари барпо этилмоқда.

Куба Фанлар Академиясининг вице президенти Марнано Сольвейро сўз олади. Бизнинг конференциямиз, деб таъкидлайди у, Латин Америкасининг ҳамма халқлари учун, бутун дунё революцион жараёни учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилмоқда. Советлар мамлакатининг тажрибаси ривожланаётган мамлакатлар учун ғоят қимматлидир. Бу тажриба социализмга боришдаги янги муваффақиятлар йўлини ёритиб турибди.

Ироқ БААС партияси миллий раҳбарлигининг вакили Ҳасан Ал-Амир бундай деди: Октябрь революцияси галабасидан кейин, сўнгра эса, Совет Иттифоқи ташкил этилгандан кейин дунёдаги барча чуқур социал-иқтисодий ўзгартишлар социализм ва тараққиёт кучларининг фойдасига содир бўлмоқда. Илгари инсоният тақдирини белгилаб келган капитализм бирин-кетин ўз позицияларидан маҳрум бўлаётганлигини ҳозир дадил айтиш мумкин.

СССР ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейи кўп миллатли совет халқининг катта байрами, шу билан бирга бу барча эрксевар халқларнинг ҳам байрамидир, дейди Конго Меҳнат ва социал ишлар министри. Конго меҳнат партияси марказий комитетининг аъзоси Александр Данге. Африка мамлакатларининг мустамлака қарамлигидан миллий озод бўлиш учун олиб борган курашида Совет Иттифоқи жуда катта роль ўйнаганлигини, ривожланаётган мамлакатларнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ҳисса қўшганлигини қитъамиз халқлари асло унутмайдилар. СССРдан урнақ олган кўпгина халқлар озодлик йўлини, инсоннинг шаън-шавкати ва ҳуқуқларини қарор топтириш йўлини танлаб олдилар. Янги Конгони ривожлантириш учун олиб борилаётган бу курашда Конго меҳнат партияси буюк роль ўйнамоқда. Конго меҳнат партияси марксизм-ленинизмнинг сунмас ғоялари билан қуролланган пролетар партиясидир.

Бангладеш миллий халқ партиясининг президенти Музаффар Аҳмад сўз олади. Империализмга қарши яқинда олиб борилган курашда ғолиб чиққан бизнинг ёш мамлакатимиз, деди у, ер юзида кўпгина дўстлар орттирди. Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари шу дўстларимизнинг биринчи сафларида туришибди. Ҳозир Бангладеш социал-иқтисодий ўзгартишларнинг жуда катта программасини амалга оширишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ишда СССР мамлакатга катта ёрдам бермоқда. Бангладеш халқи янги турмуш қуришда Совет шарқи республикаларининг намунасидан илҳом олмоқда.

Ялпи мажлис ишида КПСС Марказий Комитети Снёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашдилар.

Тушдан кейин конференцияда секцияларнинг мажлислари бошланди. Бу мажлисларда СССРдаги социалистик ўзгартишлар тажрибаси, озод бўлган мамлакатлар нокапиталистик ривожининг ҳозирги босқичидаги социал-снёсий ва иқтисодий проблемалари муҳокама қилинди.

* * *

Кечқурун чет эл ва совет мухбирлари учун навбатдаги матбуот конференцияси ўтказилди. Бу сафарги матбуот конференцияси илм-фаннинг ривожига бағишланди. Ўнда Куба Фанлар Академиясининг вице президенти Марнано Сольвейро, Болгариядаги Осиё ва Африка илмий-тадқиқот марказининг директори Евгений Каменев, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти О. С. Содиқов сўзга чиқдилар. (ЎзТАГ).

ТЕРИМДА ХАҚ ТЎЛАШНИ ҚАНДАЙ УЮШТИРДИК

Совхозимиз райондаги кенг тармоқли ва юқори ҳосилли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимиз хўжаликни иқтисодий жиҳатидан мустаҳкамлаш учун доимо ёрдам беряпти.

Зах ерларнинг сизот сувларини қочириш, дренажлар қазиш, зовурлар очишда техникадан кўпроқ фойдаланяпмиз. Бунга нетаётган сарф харажатларнинг кўпи давлат ҳисобидан бўляпти. Минерал ўғит олиш ҳам кескин кўпайди. Янги-янги техника билан қуролланяпмиз. Шу сабабли деҳқончилик маданияти тобора яхшиланмоқда.

Эндиликда қишлоқда техника тилини биладиган ажойиб, тиниб тинчимас кадрлар етишиб чиқди. Улар ўз билим ва малакаларини ошириб, экинлардан мўл ҳосил етиштиришга зўр эътибор бермоқдалар. Натижада ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни кўпайтира бориб, давлат планларини ошириб бажаряпмиз.

Ишчиларимиз ўртасида КПСС XXIV съезди қарорлари асосида янги беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин ошириб бажариш юзасидан бошланган кураш кучайиб кетди. Беш йилликнинг дастлабки йили ғалабалар билан якунланди. Ҳар йилгидан ҳам кўп маҳсулот топширдик. Пахтачилик айниқса кенг ривожланди. 23 ўрнига 26,5 центнердан пахта етиштириб, 7500 тонна «оқ олтин»ни давлатга армуғон этдик. Шу рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, хўжалигимизда беш йиллик план топшириқлари муддатидан илгари ортиғи билан бажарилади.

Шу кунларда совхозимиз ишчилари, механизаторлари юбилей йили вахтасида туриб ишлаяпти.

Бу йил деҳқонларимиз обҳаво қийинчиликларига дуч келдилар. Ғўзаларимиз секин ривожланди. Лекин ҳар бир ниҳолни қалб ҳарорати билан парвариш қилдик. Кўпроқ ҳосил тўплаш билан об-ҳаво қийинчиликларини бартараф этишга ҳаракат этдик. Кўпгина майдонларда ғўзалар нормадагига нисбатан қарийб бир ярим маротаба кўп культивация қилинди. Чопиқ, суғориш ишлари тез-тез ва сифатли ўтказилди.

Буларнинг ҳаммаси эндиликда ўз натижасини кўрсатди. Ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Давлат планига мувофиқ 6150 тонна пахта топширишимиз керак. Қўшимча топшириқ эса 7300 тонна. Биз бу билан кифояланиб қолмаймиз. Ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, давлатга камида саккиз минг тонна пахта топшириш учун қизғин кураш бошладик. Ҳар гектар майдондан ўтган йилдагига нисбатан камида 3,5 центнердан ҳосилдорликни ошириш — коллективимизнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб турибди.

Дала ишларида ҳар бир ишининг жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилиши учун барча шарт ва шароит яратиб берганмиз. Ким кўп меҳнат қилса, ўша кўп ҳақ оляпти. Топшириқни ошириб, юксак кўрсатгичларга эришаётган илғорлар рағбатлантирилмоқда. Ҳар бир бўлим, бригадада мусобақа авж олди. Қилинган ишлар ҳар куни якунланяпти. Беш кунлик натижаларга қараб, мукофот берилмоқда.

Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг кўчма Қизил байроқлари таъсис этилган. Биринчи ўринни эгаллаган илғор бўлимга байроқ билан бир вақтда бир минг сўм, иккинчи ўринни эгаллаган бўлимга эса 500 сўм мукофот пули бериляпти.

Биз илғор меҳаник-ҳайдовчиларни ҳам унутганимиз йўқ. Улар учун 15 та вимпел таъсис этдик. Вимпел билан бирга пул мукофоти ҳам ажратилган. Мавсумда 100 тоннадан ошириб пахта тераётган «зангори кема» капитанларига, пахтани тайёрлаш пунктларига ташиётган тракторчиларга ҳам пул мукофотлари бериляпти. Чевар теримчилар ҳам рағбатлантирилмоқда. Шунингдек, планни биринчи бўлиб бажарган илғор бўлимга бир минг сўмлик учта приёмник, иккинчи ўринни эгаллаганларга эса иккита саккиз юз сўмлик, учинчи ўринни эгаллаганларга иккита 600 сўмлик, тўртинчи ўринни эгаллаганларга 350 сўмлик битта приёмник ажратилди.

Йиғим-теримда қатнашаётган шаҳарлик биродарларимиз, студентларимиз ўртасида ҳам қўчма Қизил байроқлар таъсис этилиб, пул мукофотлари билан биргаликда бериляпти.

Совхозда йиғим-терим илғорлари ўртасида бошланган мусобақа ўз вақтида якунланяпти. 52 та теримн машинаси ишлаб турибди. Уларнинг 52 ҳайдовчисига 52 ёрдамчи бириктириб қўйилган. Машиналар икки сменада тўхтовсиз ишлаб турибди. Ўртача ҳар бир машина хирмонга 5 тоннадан пахта тўкяпти. Бу йил ҳосилнинг 4400 тоннасини «зангори кема»лар билан териб олишни планлаштирганмиз. Ҳозирги бункерлардан тўккан пахтамиз 3 минг тоннадан ошиб кетди. Машина теримининг яхши уюштирилиши сабабли суръатга-суръат қўшилмоқда. Ғ. Ғойибов, Н. Туйменов, М. Қулимбетов, Т. Тожибоев, А. Бойхўжаев каби ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз мусобақада ғолиб чиқиб, беш кунлик ларда маъмурият мукофотларини олишга сазовор бўлмоқдалар.

Йиғим-теримни жадаллаштиришда Дўйсен Бердиқулов бошқарувчи бўлган бўлим пахтакорларининг ишини ҳар қанча мақтаса арзийди. Улар етти юз йигирма гектар ердан пландаги 25 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» топшириш учун курашмоқдалар. Бу бўлим коллективи икки беш кунликдан бери маъмуриятнинг кўчма Қизил байроғини олади. Жумабек Аҳманбетов, Олтинбек Мирзабоев ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимларда ҳам ҳосилни тезда йиғиштириб олиш йўлида тинмай меҳнат қилинмоқда.

Биз юбилей йили вахтасида туриб ишлаб, қўшимча пахта топшириш планимизни ҳам яқин кунлар ичида муваффақиятли бажарамиз. 19 октябрда эса зиммага олган социалистик мажбуриятимизни бажарганимиз ҳақида ғалаба рапорти берамиз.

М. ЖИВОДЕРОВ,
Бўка районидаги «Бўка» совхозининг директори.

Пискент районидаги Гулистон колхози ҳар гектар ердан 36 центнердан ошириб ҳосил олиб марра-дан ошиб кетди. Энди колхозчилар 40 центнер учун курашни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳосилни жадал териб олишда механик ҳайдовчилардан (суратда чапдан) Эркинбой Маматов ва Қўчқор Саримсоқовлар ўз агрегатлари билан кунига 7—9 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритмоқдалар. Улар мавсумда 180—200 тоннадан пахта териб бериш учун курашмоқдалар.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

АГИТБРИГАДА САФАРГА ЧИҚДИ

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозининг учинчи бригадаси пахтакорларини тушки дам олиш вақтида дала шийпонида ажойиб хушхабар кутар эди. Область комсомол комитетининг агитбригадаси деҳқовлар ҳузурига меҳмон бўлиб келди.

Дала меҳнатчилари янгиликлар билан танишдилар, эстрада оркестри ижросида оммавий қўшиқ ва музика тингладилар.

«Ташгипротранс» лойиҳалаш институтининг лекторлари, ҳаваскор бадиий ўқиш усталари, қўшиқчилари, созандаларидан иборат агитбригада Янгийўл районининг кўпгина хўжаликларида бўлади. Сўнгра улар Оққўрғон пахтакорлари ҳузурида меҳмон бўладилар.

Худди шундай агитбригадалар ҳозир республикадаги барча область комсомол комитетлари ҳузурида ташкил қилинган. Улар ўз ишида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишнинг турли хил формаларидан фойдаланмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ИТТИФОҚИ

ШАҲАРЛИК ПАХТАКОРЛАР

Ҳозир ҳамманинг ўрни далада! Шу кунинг талаби бу. Пахтакорлар пешана тери билан етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда мадад бергани барча шаҳарликлар қатори Фрунзе райони меҳнаткашлари ҳам кенг пахтазор томон отланмоқдалар. Ишчиларнинг деҳқонларга кўрсатаётган баракали ёрдами ҳақида район партия комитети саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири Матвей Григорьевич Белоногов мухбиримизга шундай ҳикоя қилиб берди.

Куни кеча биз автобусларнинг катта колоннасини кузатиб қолдик. Уларда қўшни Сирдарё области пахтакорларига кўмаклашишга отланган, районимизнинг студентлари ва ишчиларидан тузилган зарбдор бригадаларнинг аъзолари бор эди. Ҳар йилги анъана бўйича биз кузда группа-группа бўлиб далаларга чиқамиз. Деҳқон меҳрига қониб, чамандек очилган пахталарни йиғиб-териб олишда қатнашамиз. Бу йил ҳам шундай бўлаяпти. Саноатчилар ўз пахтиёрлари билан юбилей йили ҳосилининг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишда деҳқонларга мадад бергани ўз оталиқларидаги хўжаликлар томон отланмоқдалар.

Қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатишни биз эрта баҳордан бошлаган эдик. Маҳсус ускуналар билан жиҳозланган 12 та кўчма устахона чигит экиш айни қизғин паллага кириб бораётган бир пайтда Сирдарё областининг «Оқ олтин» ҳамда Мирзачўл районларига йўл олди. Устахоналарни моҳир слесарь ва токарлар, ремонтчи ва йиғувчилар бошқариб боришди. Улар чигит экиш даврида бевосита дала бошида бўлиб, қишлоқ хўжалиги агрегатларига техника хизмати кўрсатишди.

Орадан бироз вақт ўтгач, яна 18 киши қишлоққа жўнаб кетди. Улар терим агрегатларинг ремонт қилишни ҳам, бошқаришни ҳам уддасидан чиқадиган кишилар эди. Ремонтчилар «Оқ олтин» районидаги 21-а совхозида бўлиб, бир неча ой давомида терим агрегатларини мавсумга тўла шайладилар. Мана энди, ўз агрегатлари билан уфқсиз пахтазор бўйлаб сузиб юribдилар. Шаҳарлик механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири мавсумда кам деганда 100 тоннадан ошириб, «оқ олтин» териб беришга аҳд қилганлар.

Районимиз саноатчилари Янгийўл пахтакорларига ҳам яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Ишчилар кучи билан ўтган ойларда хўжаликларнинг 8 та автомашинаси, 7 та прицеплари, 3 та станоги, 16 та электродвигатели капитал ремонтдан чиқариб берилди. Ишчиларнинг Ленин номли, Жданов номли колхозларда бажарган ишлари айниқса салмоқли бўлмоқда. Жданов номли колхозда техника сақланадиган иккита айвон қурилди, тўртта пахта хирмони, ремонтдан чиқарилди, уч километрлик йўлга асфальт ётқизилди, иккита дала шийпони ва колхоз клубининг лойиҳа хужжатлари ҳозирлаб берилди.

Район ишчилари ўз ҳисобларидан янгийўллик пахтакорларга 5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари, 22 тонна металл, 10 тонна металл конструкциялари, 20 тонна цемент, 10 тонна алебастр ва бошқа хил бинокорлик материаллари тақдим этдилар. 1200 киши. У Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси ғоларида етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда иштирок этди.

Пахта йиғим кампанияси кенг кўламда олиб борилаётган ҳозирги дамларда ҳам деҳқонлар ишчиларнинг ёрдамидан мамнун бўлмоқдалар. Ишчи ва деҳқонлар бир ёқадан бош чиқаришиб, чаноқларда бодроқдек очилиб ётган «оқ олтин» ҳосилининг бир мисқолини ҳам қолдирмай тўла йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар.

МЕҲНАТ МАКТАБЛАРИ— ТАРБИЯ МАКТАБЛАРИ

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи механика-йиғиш цехнинг бир группа токарларига «юксак меҳнат ва ишлаб чиқариш маданияти участкаси» деган фахрий ном берилди. Участкадаги ҳамма ишчилар шу ерда тузилган коммунистик меҳнат мактабига қатнайдилар. Улар ўз ўртоқларидан И. Ф. Дубов билан Н. А. Коротченко тажрибасини амалий равишда ўрганиб, иш нормасини ошириб бажара бошладилар.

Ана шу ва бошқа коллективларнинг тажрибасини коммунистик меҳнат мактаблари фаолиятига раҳбарлик қилувчи республика методика кенгаши умумлаштирди. Ҳозир шу мактабларда шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларидан юз мингдан ортиқ киши таълим олмоқда.

Уларнинг учдан икки қисми коммунистик меҳнат ҳаракатининг қатнашчиларидир.

Тошкент электрон техника заводидаги ана шу мактабларда ишлаб чиқариш илғорларидан уч оздан кўпроқ киши таълим олмоқда. Уларнинг кўпчилиги беш йилликни тўрт-тўрт ярим йилда бажариш учун курашмоқда. Уларнинг шахсий планларида яхши машина ускунада ишлаш маҳоратини қисқа муддатларда ўрганиб олиш юқори сифатли приборлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш сингари мажбуриятлар бор. Заводлардаги ана шу мактабларни Ўзбекистон ёзувчилар союзи ва А. Навоий номли театрнинг санъат усталари оталиққа олишган. Машғулотларда ана шу коллективларнинг аъзолари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади, янги асарлар ва спектакллар муҳокама қилинади.

Методика кенгаши коммунистик меҳнат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, энг яхши пропагандистлар тажрибасини оммалаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тавсияларни тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

ДУГОНАЛАР

Шарофат билан Ҳадича кечки пайт хирмонда учрашишди. Улар тушдан кейин терган пахталарини тарозига қўйишганди, биринки 60 килограмм, иккинчисиники 50 килограмм тош босди. Қизлар бир-бирларидан тушгача, қанчадан пахта топширганликларини билиб олишгач:

— Агар ёнма-ён терсак, сиздан қолишмас эканман-а, — деди Ҳадича дугонасига.

— Ҳа, ундай бўлса, бугунгидан ҳам кўп тераркамиз, — жавоб қилди Шарофат.

...Эрта тонг. Икки дугона келишганидек ёнма-ён эгатларга тушдилар. Тушгача 80 килограммдан пахта теришди. Ҳар бири 160 килограммдан «оқ олтин» тўкиб, сафдошлари таҳсинига сазовор бўлишди.

«Оқ олтин» йиғим-теримида юксак меҳнат намуналарини кўрсатаётган Шарофат Пирматова билан Ҳадича Шамсутдинова лардан «Ўзбекистон» колхозининг 17-бригада пахтакорлари ғоят ҳурсанд бўлишмоқда. Чунки бу оташқалб қизлар пахта терими бошлангандан буён бригада хирмонига 10 тоннадан ошириб дурдона тўкдилар.

Ҳ. ИНОЯТОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

АЗИМ шаҳримиз Тошкентда кўпгина миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар аҳил оила аъзоларидек бир-бирлари билан жуда дўст ва ноқдирлар. Суратда: турли миллат вакилларини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотоси.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҲАЛИ ШЕЪРИМ ТУГАГАНИ ЙЎҚ

Йўқ, шеъримга нуқта
қўймайман,
Ҳали шеърим тугагани йўқ.
Қалбим уммон, дарёдай
жўшқин,
Она ерим меҳрига тўлиқ.
Гўзаллиққа мафтун бўлибман,
Тин олмайди, асло кўзларим.
Йўқ! Шеъримга нуқта
қўймайман,
Тугамайди оташ сўзларим.
Дилкаш дўстим шеъримни
ўқиб,
Давомини сўрагил мендан.
Йўқ-йўқ! Шеъринг тугаган
дема,
Эй, ўқувчим тилагим
сендан...

Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ОНАМГА

Хонадонимиз оддий —
Бир ўзбек хонадони.
Шу хонадон ҳурмати,
Сизни яхши кўраман.
Одамларга очиқдир
Доимо дастурхони,
Шу дастурхон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.
Дастурхондан аримас,
Сира ҳам ошу-нони,
Шу ошу-нон ҳурмати,
Сизни яхши кўраман.
Онажон оиланинг
Зиёкорисиз, жони,
Танамда жон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.
Сиз онамсиз, онам дерман,
Шу юрт—Ўзбекистонни.
Ўзбекистон ҳурмати
Сизни яхши кўраман.

БИР КЕЧА

Кўзларимга нимади уйқу,
Яна кечам ўтмоқда бедор.
Юрагимга мавж солган туйғу,
Мисраларга қўнар беозор.
Ҳаловат бахш этмади бирдам,
Туни билан эркалаб бир ҳис.
Уйларимга бўлишиб ҳамдам
Сўнди аста охирги юлдуз.
Шитирлаши тинди қаламнинг
Жўр бўлиб дил сўзлари
билан.
Ўпди қуёш тонгда оламни
Менинг уйғоқ кўзларим
билан.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

ГУЛЛАР

Табрик айлаб туғилган куним
Гул келтирди танишу дўстлар.
Бу гулларда ҳурмат, эҳтиром,
Гулни кўриб қувонгай кўзлар.
Улуғ айём кунлари мен ҳам
Гул элтаман дўстларим қутлаб,
Кунлар келар, тағин боғ кезиб
Гул терурман ёримга атаб.
Гулда барча гўзалликлар жам.
Ҳатто кўнгил акс этмиш, ажаб.
Шу боисдан гул билан инсон
Умр бўйи келмоқда яшаб.

Миртўла МИРКОМИЛОВ.

ХУШХАБАРЛАР

БУТУНИТТИФОҚ ФОНДИГА

Бутуниттифоқ ёшлар фестивалининг кўп миллатли Ватанимиз халқлари ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашдаги ролига катта аҳамият бераётган областимиз комсомол-ёшлари, бу фестивални уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳаракат қиляптилар.

Янгийўл районидаги Ленин номли ва Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхозларнинг комсомоллари очиқ комсомол йиғилиши ўтказиб, 28 октябрь—Ленин комсомоли ташкил топган кун арафасида пахта далаларида шанбалик ўтказишга ва шу кунги иш ҳақларини Бутуниттифоқ ёшлар фестивали фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Уларнинг бу ташаббусига Оққўрғон районидаги Свердлов номли ва Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозлари комсомол-ёшлари ҳам қўшилдилар.

Т. РИХСИХУЖАЕВ.

НУРЧИЛАРГА ЯНГИ КАФЕ

СССР 50 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан қаршилаётган Чорвоқ ГЭСнинг нурчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланиб бораяпти. Шу кунларда посёлканинг «Солнечний» массивида замонавий типда қурилган «Ёшлик» кафеси ишга туширилди.

Кафеда тотли миллий таомлар ҳамда Европа таомлари тайёрланяпти. Бундан ташқари, нурчилар бу ердан ярим тайёр овқат маҳсулотларини ҳам харид қилишлари мумкин.

Хушҳаво олмазор ўртасига жойлашган кафе хизматидан барча мамнун бўлмоқда.

Б. ШОКИРОВ.

ТЎҚИМАЧИ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ЮТУГИ

Тўқимачилик комбинатида қўл меҳнатнинг камайиши ва маҳсулот сифатининг тобора яхшилана боришида ихтирочи ҳамда рационализаторларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар ҳар йили жуда салмоқли самараларни қўлга киритишяпти.

1972 йилнинг биринчи ярмида комбинат ижодкорлари амалга оширган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу даврда 306 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улар туфайли эса йилига 283,5 минг сўм тежаб қолиш имконияти туғилди.

Комбинат ихтирочи ва рационализаторлари биринчи ярим йиллик якунлари бўйича республикада биринчи ўринни олишди ва пул мукофоти билан тақдирландилар.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Яқинда Ангрен шаҳрининг қурилиш майдонларида ажойиб бир мусобақа ўтказилди. Унда бир группа бўёқчилар беллашишди.

Бўёқчилар икки группага бўлинишиб, тўртинчи кварталдаги 48 квартирали турар-жой биносида ва 31 кварталда қурилаётган болалар боғчаси объектида мусобақалашишди.

Жиддий меҳнатдан сўнг жюри аъзолари «Узбекшахтострой» трестининг 3-қурилиш бошқармаси пардозловчиси А. Цойни пешқадам деб тан олдилар. А. Цой олти соат давомида 13 соатлик ишни бажаришга муваффақ бўлган эди. Ғолиб пардозловчи биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Трест маъмурияти ўтказаётган бундай конкурслар биноқорлар маҳоратини оширишга хизмат қилаяпти.

В. ЎЛМАСБОЕВ.

Тошкентдаги 4-шаҳар болалар касалхонасида кўплаб малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Улар моҳир шифокор Руқия Бакирова бошчилигида қатор яхши тадбирларни амалга оширдилар. Яқинда ўртоқ Р. Бакировага самарали меҳнатлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» деган фахрий унвон берилди. Суратда: (ўртада) ўртоқ Р. Бакирова шифокорлар орасида.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси.

ЙЎҚЛАБ КЕЛИНГ ДЎСТЛАРИМ

Кўзим йўлда доимо, йўқлаб келинг, дўстларим,
Бош устига, марҳабо, йўқлаб келинг, дўстларим.
Меҳрингиз хуморини ёд олгайман ҳар доим,
Сиз қалбимга нур-зиё, йўқлаб келинг дўстларим.
Учрашганда ҳарсафар бошим егиб осмонга,
Шодланурмен бир дунё, йўқлаб келинг, дўстларим.
Сизга бўлай парвона, елиб атрофингизда,
Олам қилсин томоша, йўқлаб келинг дўстларим.
Тўкис қайноқ даврангиз, суҳбатингиз қўмсайман,
Сиз қалбимга нур-зиё, йўқлаб келинг дўстларим.
Ҳаётимнинг зийнати, эъзозлигим, суюклим,
Оқилу доно сиймо, йўқлаб келинг, дўстларим.
Энг лаззатли давроним сиз билан кечган оним,
Арзир қилсам жон фидо, йўқлаб келинг, дўстларим.
Қуёш, баҳор, гул қўшиқ— бу ҳаётда неки бор,
Бахтимга берар жило, йўқлаб келинг, дўстларим.
Енимда сиз бўлсангиз, чекинар дарду-алам,
Орзум бўлар муҳайё, йўқлаб келинг, дўстларим.
Азму иродамиздан, элимиз меҳнатидан,
Тинч, фаровон бу дунё йўқлаб келинг, дўстларим.
Бахтиёрмиз замондан, севинчимиз бир жаҳон,
Дўстлик — эзгу доимо, йўқлаб келинг, дўстларим.

Мақсуд ХАЛИЛОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ИСРОИЛНИНГ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

БАЙРУТ, 16 октябрь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливанга қарши тажовуз қилди. Ливан армияси қўмондонлигининг Байрут радиоси орқали эшиттирилган ахборотида айтиладики, кеча Исроил ҳарбий самолётлари мамлакат осмонига бостириб кириб, Ливан жанубидаги бир неча аҳоли пунктларини бомбардимон қилди.

Тинч аҳоли орасида ҳалок бўлган кишилар бор. Дастлабки маълумотларга қараганда, икки киши ўлган ва 16 киши яраланган.

ДАМАШҚ, 16 октябрь. (ТАСС). Кеча Исроил ҳарбий самолётларининг бир группаси Сурия территориясига иғвогарона ҳужум қилди. Мамлакат осмонига Ўрта Денгиз томонидан бостириб келган Исроил қароқчилари Сурия ғарбидаги Масьяф Фаҳри районини бомбардимон қилди.

АВИАЦИЯ ҲУЖУМЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 16 октябрь. (ТАСС). Ўтган шанба куни Американинг тактик авиацияси Вьетнам Демократик Республикасидаги ўнта вилоятни бомбардимон қилди. «В—52» самолётлари эса Хатинь, Куангбинь, вилоятларининг кўпгина районларига ва Виньлинь зонасига зарбалар берди. Мана шу ваҳшиёна ҳужумлар натижасида тинч аҳолидан кўпгина кишилар ўлдирилди ва жароҳатлантирилди, уй-жой бинолари ва халқ хўжалик объектларидан анчаси вайрон қилинди. Намха вилоятида Нинька дарёсидаги дамбага катта шикаст етказилди.

Шу муносабат билан Вьетнам — Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот эълон қилиб, АҚШ ҳарбийларининг бу тажовузларини қаттиқ қораладi ва Америка расмий кишиларининг, биз «холис ният» иш қилиб, «тинчликка» интилмоқдамиз деган қалбаки гапларини фош қилиб ташлади.

ВИА агентлиги эълон қилган хабарда айтиладики, 7 октябрдан 14 октябргача бўлган кейинги ҳафта ичида АҚШнинг стратегик, бомбардимончи самолётлари Ханой жанубидаги Хатинь вилоятининг аҳоли зич жойлашган районларини бир неча марта бомбардимон илди, Маҳаллий аҳолига катта моддий зарар етказилди. Саноат корхоналари ва катта гидротехника иншоотлари ишдан чиқарилди. Агентлик хабаридаги маълумотларга қараганда шу давр ичида АҚШ авиацияси Хатинь вилоятига беш минг тоннага яқин бомба ташлаган.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

ТОКИО. Токиога туташган Фусса шаҳарчасида пойтахт меҳнаткашлари «Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишлар дарҳол тўхтатилсин!», «Иокота ва Татикавадаги Америка базалари тугатилсин!» деган шиорлар остида митинг ўтказдилар. Токиодаги тинчлик комитети ташкил этган шу митингда 700 дан кўпроқ киши қатнашди. Митинг қатнашчилари Японияда ги Америка қўмондонлиги Америка базаларидан Вьетнамдаги урушқ учун фойдаланилаётганлигига қарши норозилик резолюцияси йўлладилар.

Митинг қатнашчилари Американинг Вьетнамдаги агрессиясига кўмаклашиш сиёсатини қораловчи резолюция қабул қилдилар.

Пойтахт аҳолисининг Америка базаларини дарҳол тугатиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаб Токио губернатори Минобэ юборган телеграмма митингда ўқиб берилди.

АМЕРИКА ҚЎШИНЛАРИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛСИН!

РЕЙКЬЯВИК. Америка қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун курашаётган Исландия жамоатчилиги комитети Исландияда жойлашган Америка қўшинлари олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилди. Комитет шу мақсадда Исландия ҳукуматини мудофаа тўғрисида АҚШ билан Исландия ўртасида 1951 йилда тузилган битимни қайтадан кўриб чиқиш ҳақидаги программа баёнотини бажара бошлашга даъват этди.

НЬЮ-ЙОРКДА НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). Нью-Йоркда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияни давом эттираётганлигига ва Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилаётганлигига қарши оммавий норозилик намойиши бўлди.

Икки мингга яқин намойишчи «Бомбардимонлар тўхтатилсин!», «Урушга дарҳол барҳам берилсин!» деган шиорлар остида шаҳар кўчаларидан ўтиб, марказий парк томон борди. Бу паркда кўп кишининг иштироки билан митинг ўтказилди.

Урушга қарши ҳаракатнинг таниқли иштирокчилари митингда нутқ сўзлаб, Америка ҳарбийлари томонидан Вьетнам тупроғида амалга оширилаётган геноцид сиёсатини кескин қораладилар ва Вьетнамдаги жиноий урушга дарҳол чек қўйилсин, деб талаб қилдилар.

Митинг тамом бўлганидан кейин Вьетнамдаги агрессия қурбонларига ёрдам бериш фондига маблағ тўпланди.

ВЬЕТНАМ Демократик Республикаси. Тонкинс бўғози Тхайбинь вилояти шолипояларини суғоради. Америка авиацияси бу ердаги дамбаларга ҳам катта зарар етказди. Маҳаллий аҳоли шошилинч суратда дамбаларни қайта тикламоқда. Суратда: дамбаларни тиклаш пайти.

ВИА—ТАСС фотоси.

Спорт

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИДА

Ўзбекистон футбол чемпионатининг финал ўйинлари давом этмоқда. 15 октябрь куни «Политотдел» колхози ва Чирчиқ стадионларида навбатдаги мусобақалар бўлди. Андижоннинг «Автомобилчи» коллективи Жиззах уйсозлари командасини 1:0 ҳисобида, Гулистоннинг «Пахтачи» спортчилари Марғилоннинг «Меҳнат» футболчиларини 2:0 ҳисобида, Тошкент ёшлар футбол мактаби талабалари эса Наримонов номли колхоз вакилларини 2:1 ҳисобида ютдилар. Икки турдан сўнг «Пахтачи», футбол мактаби, «Автомобилчи» командалари учтадан очко тўплашди. Жиззахликлар икки очкога, наримоновчилар бир очкога эга. «Марғилонликлар эса иккала ўйинни ҳам бой беришди. 24 октябрь куни Ўзбекистоннинг бу йилги чемпиони маълум бўлади.

СОВЕТ БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Болгарияда бўлган Европа биринчилиги мусобақалари тугади. Совет Иттифоқининг баскетболчи аёллари қитъа биринчилигининг финалида майдон эгалари билан учрашдилар. Ҳисоб ватандошларимиз фойдасига 79:48. Бу ғалаба совет командасига Европа чемпиони олтин медалларини қўлга киритиш имконини берди.

МУКОФОТ ЎЗБЕКИСТОН студентлар командасида

Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мукофоти учун анъанавий енгил атлетика мусобақалари бўлди. Кўнгилли спорт жамиятлари марказий ва республика Советларининг 360 дан ортиқ енгил атлетикачиси куч синашди. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган меҳмонлар ҳам бор эди. Спортчилар айни вақтнинг ўзида Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги учун ҳам кураш олиб бордилар.

Шахсий биринчиликда тошкентлик спортчилар муваффақиятга эришдилар. Александр Бернштейн 110 метр масофага тўсиқлар оша югуришда Ўзбекистоннинг янги рекордини қўйди — 14,1 секунд. Бундан ташқари республикамизнинг бешта рекорди ёшлар ва қизлар группаси мусобақаларида янгиланди. Тошкентлик Анатолий Димовнинг ўзи иккита рекорд автори бўлди. У 800 метр ва 1500 метрга югуришда муваффақиятга эришди. Галина Важдаева 100 метрга тўсиқлар оша югуришда, Сергей Анигин узунликка сакрашда ва Андрей Ларин молот отишда рекордчи бўлди. Ҳаммадан ҳам қувонарлиги, қизларимиздан Татьяна Шишкина, Наира Инелеева, Людмила Старожкова ва Ольга Искандарова 4х200 метрга эстафета югуришда Бутуниттифоқ рекорди қўйдилар. Улар 1 минут 42,5 секунд натижа кўрсатишди. Илгариги рекорд РСФСРнинг «Динамо» терма командасига қарашли эди. Ўзбекистоннинг «Буревестник» жамияти спортчилари команда ҳисобида ғолиб чиқиб, фахрий соврин эгаси бўлдилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.40 — Кўрсатувлар программаси, 17.45 — «Қизил галстук». Телевизион журнал (ўзбек тилида).

18.30 дан — Москва кўрсатади

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Рангли телевидение. «Подпоручик Кижа» (фильм-балет). 19.40 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 19.55 — «Рус музиканинг алломалари». П. И. Чайковский. 2-кўрсатув, 20.35 — КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари — ҳаётга! 20.55 — Ўн минут музика. 21.05 — «Ахборот» информацион программаси, 21.25 —«Муштум» — пахта далаларида, 21.55 — Кўрсатувлар программаси.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 — «Пахта далаларидан дараклар», 22.40 — Тамила Қосимова. «Жафо қилма». Телевизион музикали постановка. Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ.

00.15 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химия. 10 синф. «Каучукни синтез қилиш проблемалари» (ўзбек тилида).

Рус тилида: 12.00 — «Ер фарзанди». Телефильм, 12.25 — Химия. 10-синф. «Каучукни синтез қилиш проблемалари».

17.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — «Петропавловск қалъаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.50 — «Замондошимиз». Телевизион очерк.

19.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

22.00 — «Учқун» (телевизион фильм, ўзбек тилида).

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Ўқув программаси. Химия. 10-синф. «Каучукни синтез қилиш проблемалари» (ўзбек ва рус тилларида). Такрорий кўрсатув, 20.00 — «Эстетика асослари». 8—10-синфлар. «Меҳнат эстетикаси» (ўзбек тилида), 20.40— Тошкент янгиликлари (ўзбек ва рус тилларида), 21.10 — «Ричард Ваверлининг иш жараёни». Телевизион спектакль (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — Мирзо Улуғбек.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Куч аттракциони — Жаҳоннинг экс-чемпиони, СССРда хизмат кўрсаттан спорт мастери, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Новак ва ака-ука Новаклар.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Жаннат излаб — САНЪАТ САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Менинг исмим — мақхарабоз— «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12 да, кеч соат 6 да).

Ҳаёт синовлари (жуфт соатларда), Шпессартдаги ажойиб даллар (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Агар сен эркак бўлсанг (тоқ соатларда), Самовий саргузаштлар (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Уқигану-уқмаган — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва аёл —«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Полиция комиссарининг республика прокурорига иқрори — «ЧАЙКА» (кундуз соат 4 да ва кеч соат 9.45 минутда).

Соҳибжамол малагим — «МОСКВА» (кундуз соат 2 да).

ГУЛИСТОН ТАЖРИБА РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

барча истеъмолчиларга чекланмаган миқдорда

КИСЛОРОД СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Сирдарё область, Гулистон шаҳри.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04463. ИНДЕКС 64697. Б. 1861.